

Нефт маҳсулотларини етказиб бериш ҳақидаги ШАРТНОМАСИ

« 10 » январь 2022 йил

№8

Зарафшон ш.

“Маҳсулот етказиб берувчи” деб аталувчи “Навий нефт база” МЧЖ Зарафшон филиали номидан унга 2021 йил 30 декабрда берилган 01-12/01-1510-сонли ишончнома асосида фаолият юритувчи филиал бошлиги **Е.Т.Тухтамуратов** бир тарафдан “Истеъмолчи” деб аталувчи **Учқудук ТТБ** номидан Низом асосида иш юритувчи **Х.Х.Шукуров** иккинчи томондан ушбу шартномани куйидагилар ҳақида туздилар:

I. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Махлулот етказиб берувчи «Истеъмолчи»нинг буюрмасига мофик тегишли русум ва микдордаги нефт маҳсулотларини етказиб бериш «Истеъмолчи»га эса нефт маҳсулотларини учун олдиндан хакини тулаб қабул қилиб олиш мажбуриятларини ўз зиммасига олади.

1.2. Етказиб бериладиган нефт маҳсулотлари микдори, баҳоси ва муддати куйидаги жадвалда белгилаб куйилган.

| Маҳсулотнинг номи | Ўлчов бирлиги | Нархи (қўшимча қиймат солиғи билан) | Микдори | Суммаси | Етказиб бериш даври |
|------------------------|---------------|-------------------------------------|---------|---------------|---------------------|
| Бюжет х/р бензин АИ-80 | Тонна | 10 521 838 | 2,19 | 23 041 822,20 | 3 |

II. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Ушбу шартноманинг умумий баҳоси ҚҚС билан 23 041 828.77 (Йигирма уч миллион қирк бир минг саккиз юз йигирма саккиз) сўм 77 т ташкил этади.

(сумма рақамлар ва харфлар билан езилади)

2.2. “Нефть маҳсулотлари”нинг нархи белгиланган тартибда ўзгартирилган кундан бошлаб келгусида ушбу шартнома бўйича етказиб бериладиган “Нефть маҳсулотлари”га нисбатан янги нархлар қўлланилади. Нарх ўзгарган кунгача харид қилинган, лекин “Етказиб берувчи”га тегишли бўлган ФЭТШ, АЁҚШ дан олиб кетилмаган нефт маҳсулоти қолдигига нисбатан ҳам янги нарх қўлланилади.

2.3. «Истеъмолчи» етказиб бериладиган нефт маҳсулотлари учун 100 фоиз микдорда олдиндан “Комитент”нинг куйидаги ҳисоб рақамига ҳақ тўлайди:

2.4. Етказиб берилган нефт маҳсулотлари учун ҳисоб-китоблар пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

2.5. Маҳсулот «Истеъмолчи»га олдиндан тўлов шартида етказиб берилади, етказиб бериш бўйича барча харажатлар «Етказиб берувчи» ҳисобидан амалга оширилади.

III. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. «Истеъмолчи»нинг ҳуқуқлари:

а) ушбу шартномага биноан тегишли сифатдаги ва ассортиментдаги нефт маҳсулотлари етказиб беришни «Етказиб берувчи»дан талаб қилиш;

б) етказиб берилган Нефть маҳсулотлари сифатини аниқлашда иштирок этиш;

в) сифатсиз Нефть маҳсулотлари етказиб берилган «Истеъмолчи» ўз хохишига қўра:

- сифатли ана шундай турдаги нефт маҳсулотларини «Етказиб берувчи» ҳисобидан етказиб берилишини талаб қилиш;

- нефт маҳсулотларининг сифатини «Етказиб берувчи» ҳисобидан бепул теклашни талаб қилиш;

- етказиб бериш муддатлари бузилган ёки сифатсиз нефт маҳсулотларини қабул қилишни рад этиш;

г) «Етказиб берувчи»дан шартнома шартларини бажармаслик ёки зарур даражада бажармаслик натижасида етказилган зарар қопланишини талаб қилиш.

3.2. «Истеъмолчи»нинг мажбуриятлари:

а) мазкур шартномага мувофиқ етказиб бериладиган нефт маҳсулотлари учун “Комитент”нинг ҳисоб рақамига олдиндан пул ўтказиш;

б) шартномага мувофиқ етказиб берилган нефт маҳсулотларини микдор ва сифати бўйича қабул қилиш;

в) маҳсулотлардан белгиланган мақсадларда фойдаланиш.

3.3. «Етказиб берувчи» куйидаги ҳуқуқларга эга:

а) Мазкур шартнома мажбуриятлари “Истеъмолчи” томонидан тўлиқ ёки қисман бажарилмаган тақдирда ҳамда унинг натижасида “Етказиб берувчи”га моддий зарар етказилса “Истеъмолчи”га нисбатан жарима санкцияларин қўллаш ва етказилган зарарни ундириб олиш чораларини қўриш, жумладан судга мурожаат қилиш;

б) “Комитент”нинг топшириғи (таксимот реестри) га мувофиқ, ушбу шартномага асосан “Истеъмолчи”га етказиб берилган нефть маҳсулотларини қабул қилишдан асосиз бош тортганлиги натижасида етказилган зарарнинг қопланилишини «Истеъмолчи»дан талаб қилиш.

3.4. «Етказиб берувчи»нинг мажбуриятлари:

а) қонун ҳужжатларига мувофиқ ушбу шартнома мажбуриятларининг ўз муддатида бажарилишини таъминлаш;

б) “Комитент”нинг топшириғи (таксимот реестри) га мувофиқ, шартномада ёки шартнома асосида берилган буюртманомада кўрсатилган муддатларда, микдорда ва сифатда нефт маҳсулотлари етказиб бериш;

в) етказиб берилган нефт маҳсулотлари сифатининг шартномада белгиланган талабларга, шунингдек, амалдаги стандартлар ва нормативларга мувофиқлигини таъминлаш;

г) агар нефт маҳсулотларини етказиб бериш жараёнида «Етказиб берувчи» шартнома шартлари ва нормативларидан чекинишга йўл қўйган бўлса, «Истеъмолчи»нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни 5 кун муддатда бепул бартараф этиш;

IV. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

4.1. Мажбуриятлар мазкур шартнома шартлари ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак. Агар тарафлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. Нефть маҳсулотларини ёнилғи тарқатиш шахобчасидан етказиб берилганда, расмийлаштирилган тарқатиш варақасида “Истеъмолчи”нинг вакилининг маҳсулотни қабул қилганлиги тўғрисида имзоси қўйилган сана, агар маҳсулот “Етказиб берувчи”нинг оморидан “Истеъмолчи”нинг вакили томонидан транспорт воситасида олиб кетилганда товар транспорт ҳужжатлари расмийлаштирилган сана «Етказиб берувчи» томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

4.3. Нефть маҳсулотлари учун олдиндан хакини тўлаганлиги ва “Комитент”нинг топшириғи (таксимот реестри)га мувофиқ “Етказиб берувчи” томонидан нефть маҳсулотларини етказиб берганида «Истеъмолчи» томонидан ўз вақтида қабул қилиб олиши “Истеъмолчи” томонидан шартномавий мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.